Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

29

ЎзДП
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'zbekiston ovozi

№ 30
2020-yil, 1-sentabr
Seshanba (32.625)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

Аввало, сиз азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Айни пайтда ушбу тантанали маросимни жойлардаги студияларда, шунингдек, уйларида "ойнаи жаҳон" орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган мўътабар отахон ва онахонларимизга, мунис опа-сингилларимизга, азиз ёшларимизга, барча-барча юртдошларимга ўзимнинг юксак эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълум, пандемия туфайли бу йил Мустақиллик байрамини ҳар доимгидек катта тантана ва сайиллар билан нишонлай олмаяпмиз.

Халқимизнинг саломатлигини ўйлаб, байрам тадбирларини ихчам шаклда, онлайн режимида ўтказмоқдамиз. Лекин, ҳар йилгидек, машҳур санъаткорларимиз ушбу қутлуғ санага атаб катта-катта концертлар, бадиий дастурлар тайёрлашган ва улар телевидение орқали халқимизга тақдим этилади.

Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуғ ва муқаддас бўлган бу байрам шукуҳи оилаларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади.

Ҳурматли дўстлар!

Башарият тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина, ўз ҳаёти ва келажагини мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. **"Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!"** деб миллат озодлиги йўлида жонини фидо қилган улуғ аждодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди.

Халқимизнинг беқиёс жасорати ва матонати билан Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги ана шу асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеадир.

Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

**Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

Истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

**"Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари"** деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис этиб яшамоқда.

Бугун бир ҳақиқатни қатъий ишонч билан айтиш мумкин: **дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда.**

Азиз юртдошлар!

Сизларга маълумки, шу йил бошида 2020 йил учун улкан режа ва мақсадларни белгилаб олган эдик. Бироқ жаҳон миқёсида юзага келган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган табиий ва техноген офатлар барчамизнинг ирoдамизни жиддий синовдан ўтказди. Тош келса кемириб, сув келса симириб тобланган халқимиз бу оғир кунлардан ҳам ўзининг сабр-матонати, меҳр-оқибати ва меҳнаткашлиги билан янада кучли бўлиб ўтмоқда.

Ҳозирги мураккаб вазиятда биз учун ғоят муҳим иккита вазифани самарали ҳал этиш – энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни, биз аҳолимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш, шу билан бирга, иқтисодиётимизни тиклаш, одамларга ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериш муаммосини бир пайтнинг ўзида ҳал этмоқдамиз.

Пандемия даврида халқимиз том маънода қудратли кучга айланди. Буни "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати яна бир бор яққол намоён этди. Бу эзгу ташаббус ишбилармон ва тадбиркорларни, фидойи ёшларимизни, барча-барча ватандошларимизни олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

**Даврон элининг жисмида жон бўлғил,**
**Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил, –**

деган сўзлари бугун янада теран маъно билан янграмоқда.

Чиндан ҳам, ҳозирги давр ҳар биримизни саховат ва ҳиммат кўрсатиб, хайрли ишларимиз билан эл-юрт дардига дармон бўлишга ундамоқда.

Айни вақтда коронавирус мамлакатимиз тиббиёт тизими учун ҳам жиддий синов, ҳам улкан тажриба мактаби бўлди.

Бу балога қарши курашиш бўйича сўнгги олти ой давомида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширдик. Жумладан, кўплаб янги шифохоналар ва карантин зоналари ишга туширилди. Катта миқдорда қўшимча тиббиёт ускуналари ва тез ёрдам машиналари харид қилинди. Энг илғор хорижий амалиёт ва ўзимизда тўпланган тажриба асосида даволаш усуллари такомиллаштириб борилмоқда. Коронавирусга қарши курашда туну кун метин ирода билан фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш доимий эътиборимизда турибди. Бундай чора-тадбирларимиз натижасида минглаб беморлар шифо топиб, оиласи бағрига қайтмоқда.

Чет давлатларга меҳнат қилиш ва ўқишга кетиб, пандемия туфайли қийналиб қолган юртдошларимизни ўз уйларига қайтариш, тегишли ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширган катта ишларимиз давом эттирилмоқда.

**Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди.**

Барчангизга яхши маълум, дунёда икки соҳа вакиллари ўз касбига садоқат борасида қасамёд қабул қилади: булар – Ватан ҳимоячилари бўлган ҳарбийлар ва инсон саломатлигига масъул шифокорлар. Бунинг бежиз эмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Муқаддас қасамёдига содиқ бўлган шифокорларимиз ҳозирги мураккаб вазиятда, керак бўлса, азиз жонларини фидо қилиб, қаҳрамонларча меҳнат қилмоқдалар.

Халқимиз, давлатимиз сизларнинг матонат ва жасоратингизни ҳеч қачон унутмайди.

Биз нечоғлик ҳаракат қилмайлик, афсуски, бу хавфли касаллик бир қанча ватандошларимизнинг умрига зомин бўлди. Бу оғир йўқотишлар юракларимизни ларзага солди. Негаки, бу инсонларнинг ҳар бири бизнинг жигарларимиз эди.

Шу ўринда яқинларидан жудо бўлган юртдошларимизга чуқур ҳамдардлик билдириб, уларга Яратгандан сабр-тоқат ва бардош тилайман.

Қадрли ватандошлар!

Халқимизда **"Оққан дарё – оқаверади"** деган ҳикматли гап бор. Буни бугунги мураккаб вазиятда амалга ошираётган улкан ишларимиз исботлаб турибди.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли молия ташкилотлари дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг пасайишига йўл қўйилмаганини таъкидламоқда ва кейинги йилларда сезиларли ўсиш кутилаётганини прогноз қилмоқда. Бу албатта ўз вақтида кўрган тезкор чораларимизнинг самарасидир.

Карантин чекловларига қарамасдан, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш бўйича бошлаган кенг кўламли ишларимизни изчил давом эттирмоқдамиз.

Аҳолимизнинг асосий қисми ўзининг даромад манбалари ва турмуш даражасини сақлаб қолишига эришдик. Карантин талаблари жорий этилиши натижасида 72 минг 500 та саноат корхонасидан 16 минг 700 таси ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди. Бу борада қилган тизимли ишларимиз ҳисобидан 16 минг 600 та корхонада ишлаб чиқариш жараёни тикланди.

Мамлакатимиз корхоналари маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича белгиланган режалар ҳам бажарилмоқда. Йил бошидан буён 9 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришганимиз ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу йил республикамизда биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилади.

Ана шундай йирик лойиҳалар қаторида янги Тошкент металлургия заводини алоҳида қайд этиш зарур. Германия ва Италиянинг замонавий технологиялари ўрнатилган ушбу корхона экологик жиҳатдан энг тоза ва хавфсиз бўлиб, йилига 500 минг тонна металл прокати ишлаб чиқаради.

"Навоийазот" корхонасида йилига 500 минг тонна азот кислотаси ва 100 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқарадиган заводлар фойдаланишга топширилди. Йил охирига қадар бу ерда йилига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамид ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам фаолият бошлайди. Янгитдан барпо этилаётган "Ўзбекистон ЖТЛ" заводида "Шўртангазкимё" комплексининг метан гази асосида йилига 1,5 миллион тонна синтетик ёқилғи олиш йўлга қўйилмоқда.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида рангли ва қимматбаҳо металлар тайёрлашни уч баробар кўпайтиришга доир, шунингдек, нефть, кимё, электротехника, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

*Давоми 2-бетда.* ►

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат, жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Уларда Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида эришган муваффақиятлари, мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижалари эътироф этилган.

Мактубларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва равнақ тилаклари изҳор этилиб, халқаро ҳамжамият олдида турган умумий глобал хатарлар тез фурсатда енгиб ўтилишига ишонч билдирилган.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табрикларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар бир аъзоси ўзининг бетакрор маданияти ва тарихига эга, уларнинг хилма-хиллиги БМТ ва дунёни бойитмоқда. Мамлакатингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида халқаро кун тартибидаги барча масалалар борасида иштирок этиши жуда ҳам муҳим.

Жорий йилда, Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш бўйича ҳаракатларнинг биринчи ўн йиллигида, барчанинг манфаатига хизмат қиладиган адолатли глобаллашувни барпо этишда умумий мақсадларимизни кучайтиришимиз лозим.

Дунёни барча учун янада тинч, адолатли ва барқарор қилишга интилар эканмиз, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси ва кўмагидан умидворман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган энг юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Антониу ГУТЕРРИШ,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришган муваффақиятлари барчага маълум. Мамлакатингиз жаҳон майдонида эътироф этилган обрў-эътибор қозонган, халқаро кун тартибидаги долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Россия – Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида ривожланиб бормоқда. Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан кўп қиррали икки томонлама муносабатларни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида янада ривожлантирамиз.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, сиҳат-саломатлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда улкан зафарлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент Жаноблари!

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Сизни ва Сиз орқали биродар Ўзбекистон халқини давлат мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Кейинги йиллар Ўзбекистонда Сизнинг забардаст раҳбарлигингизда турли йўналишларда ислоҳотлар амалга оширилди, давлат қурилиши соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Хитой бундан чин юракдан мамнун. Коронавирус инфекцияси тарқалганидан сўнг Ўзбекистон ушбу эпидемияга қарши курашишда жипслашди. Ўзбекистон халқи бунда албатта ғалаба қозонишига қатъий ишонаман.

Жорий йилнинг май ойида телефон орқали дўстона руҳда мулоқот қилдик, коронавирусга қарши умумий курашимиз ва икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича муҳим келишувларга эришдик.

Хитой – Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдаман ҳамда ўртамиздаги намунали ишчан муносабатларимиз ва шахсий дўстликни юксак қадрлайман.

Сиз билан биргаликда Хитой – Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожлантиришда янги натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишга тайёрман.

Дўст Ўзбекистонга равнақ ва куч-қудрат, унинг халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Америка халқи номидан Сиз ва Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 29 йиллиги билан табриклайман. Америка Қўшма Штатлари давлатингиз суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашда сизга елкадошдир.

Ўтган йил ичида, ҳатто глобал хатарларга қарамай, янада чуқурлашган кенг миқёсли ҳамкорлигимизни юқори баҳолайман. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда Афғонистон билан ҳамкорлик ва риштaларни яхшилаш бўйича ташаббусингизни олқишлайман. Шунингдек, мен катта мақсадларни кўзловчи ислоҳотлар дастурингизни юксак қадрлайман, у тўлиқ амалга ошгач, Ўзбекистон халқи ва умуман минтақанинг янада очиқ ва фаровон келажагини таъминлайди.

Америка Қўшма Штатлари ушбу ташаббусларда ва COVID-19 га қарши курашда шеригингиз эканидан фахрланади. Келгуси йилда ҳамкорлигимизнинг янада самарали натижаларига умид қилиб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Дональд ТРАМП,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

*Давоми 3-бетда.* ►

# ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ



● **Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида лойиҳасининг умумий қиймати 103,8 миллион доллар бўлган, қарийб 3 километр метро йўли ҳамда "Юнусобод" ва "Туркистон" бекатлари фойдаланишга топширилди.**

● **Бу транспорт тармоғи иқтисодиёт ва экология жиҳатидан улкан аҳамиятга эга. Хусусан, мазкур икки бекат орқали кунига 7,5 минг йўловчига хизмат кўрсатилади. Натижада автобуслар йўналиши оптималлашиб, автомобиллар тирбандлиги камаяди. Йилига 5,3 минг тонна зарарли газ атмосферага чиқишининг олди олинади.**

● **Тошкент ер усти ҳалқа метро линиясининг биринчи босқичи – «Дўстлик-2 – Қўйлиқ» йўналиши қуриб битказилди. Ушбу улкан транспорт линиясини лойиҳалаштириш 2017 йилда бошланган эди. Қурилишнинг бориши давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлди. Метронинг ушбу участкасида 7 та бекат барпо этилган. Янги йўналишнинг узунлиги 11,5 километр.**

● **Аҳмад Дониш кўчасининг Амир Темур кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача бўлган 2,2 километр қисми 6 қаторли қилиб қайта қурилди. 4 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилинди. Пиёдалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этилди. Энергия тежамкор ёритиш мосламалари ўрнатилди.**

● **"Дўстлик-2 – Қўйлиқ" йўналиши фойдаланишга топширилиши ҳисобига 225 янги иш ўрни яратилди. Ушбу йўналиш кунига 46 минг йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.**

*Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

◄ *Давоми, боши 1-бетда.*

Иқтисодий соҳадаги ана шундай кенг кўламли ислоҳотлар туфайли халқаро валюта захираларимизнинг ҳажми қарийб 5,5 миллиард долларга ошиб, жами 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта ютуғимиздир.

Иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалиги алоҳида роль ўйнамоқда. Соҳани модернизация қилиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда замонавий агрохизмат марказларини ташкил этиш учун Жаҳон банкининг 500 миллион долларлик маблағи жалб этилди.

Биз кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга биринчи марта шундай улкан молиявий ресурсларни йўналтирмоқдамиз.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз бу йилги мураккаб шароитда фидокорона меҳнат қилиб, ғалладан олти ярим миллион тоннага яқин ҳосил етиштирдилар. Чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимизга, ернинг ҳақиқий эгасига айланаётган кластер хўжаликлари ходимларига, барча дала меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Пандемия даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар ўз фаолиятини давом эттириши учун бизнес субъектларига турли имтиёз ва енгилликлар берилгани сизларга яхши маълум.

Бу йил "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Ишончим комил, ана шундай тизимли ишларимиз орқали йил якунига қадар ишлаб чиқариш қувватларининг узлуксиз фаолиятини ва иқтисодиётимиз барқарорлигини албатта таъминлаймиз.

Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда кўплаб янги-янги корхона ва турар-жойлар, йўл ва кўприклар, инфратузилма объектлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда биргина ижтимоий соҳанинг ўзида 2 минг 400 га яқин объектда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Пойтахтимиздаги куни кеча фойдаланишга топширилган янги ер ости ва ер усти метро линиялари, Ғалаба боғи, Адиблар хиёбони сингари муҳташам мажмуалар, барча ҳудудларимизда қад кўтараётган замонавий бино ва иншоотлар халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далолатдир.

Қадрли байрам иштирокчилари!

Маълумки, миллий мустақиллигимизнинг бош мақсади юртимиздаги ҳар бир инсоннинг иззат-ҳурмати ва қадр-қимматини жойига қўйишдан иборатдир.

Биз ана шу эзгу ишни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни камайтиришни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Жумладан, ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди. Йил якунига қадар уларнинг сони ҳозирги 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилади. Ушбу тоифани қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун давлат бюджетидан ўн икки ярим триллион сўм маблағ ажратилди.

Кейинги пайтда уйма-уй юриб ўрганиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг ўзига хос янги тизими шакллантирилди. Шу асосда, умумий ҳисобда, моддий ёрдам кўрсатиш учун 417 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, сентябрь ойида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ва ногиронлиги бўлган болаларни қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 426 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг кўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган.

Бугунги қутлуғ айёмда Ватанимиз келажаги бўлган ёшларимизнинг камоли йўлида қилаётган ишларимизни эсга олишимиз табиийдир.

Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топширди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Ушбу кўрсаткичлар, аввало, фарзандларимиз ва уларнинг ота-оналари қалбидаги эртанги кунимизга, келажакка бўлган катта орзу-умид ва ишончдан дарак беради.

Ана шу ўғил-қизларимиз яқинда кириш имтиҳонларини топширади. Келинглар, бўлғуси синовларда ҳамма фарзандларимизга омад ва зафарлар тилайлик!

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ва ижод мактаблари барпо этиш, "Замонавий мактаб" дастурини жорий этиш борасидаги ишларимиз ҳам узлуксиз давом эттирилмоқда.

Юртимизда Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш ташкил этилди. Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси тузилди. Ҳудудларда "Лойиҳалар фабрикаси" иш бошлади.

"Ёшлар – келажагимиз" давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ўғил-қизларимизнинг 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига қарийб 1,7 триллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Хабарингиз бор, кам таъминланган оилаларда камол топаётган қизларимизнинг билим олиш имкониятини кенгайтириш учун бу йил янги тизим жорий этдик. Унга мувофиқ, ушбу ўқув йилида олий таълим даргоҳларининг кундузги бўлимларига бундай қизларимиз учун давлат гранти асосида 940 та қўшимча ўрин ажратилди.

Азиз ватандошлар!

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик вазифа бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Хусусан, математика, физика, кимё, биология, астрономия, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа соҳаларда жиддий амалий натижаларга эришилмоқда. Математика, кимё, биология фанларини ривожлантириш ва уларни ўқитиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда.

Ўйлайманки, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофотни таъсис этганимиз математика соҳасида ёш иқтидор эгаларини рағбатлантиришда яна бир муҳим омил бўлади.

**Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат мустаҳкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади.**

Шу мақсадда биз "Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси" доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта "Тарбия" фанини жорий этмоқдамиз.

Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз.

Кейинги пайтда қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида маданиятимиз ва санъатимиз ривожи янги босқичга кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳалар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Ушбу бетакрор мажмуа халқимизнинг асрлар давомида жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини намоён этади. Яқинда Имом Мотуридий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш борасида бошлаган саъй-ҳаракатларимиз ҳам мана шу хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши сессиясида Суд-ҳуқуқ тизимида Ўзбекистон эришаётган амалий натижаларнинг эътироф этилгани бу борадаги фаолиятимизга берилган холис баҳодир.

Юртимизда биринчи марта "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси" қабул қилинди.

Шу йил август ойида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб Самарқанд веб-форуми ўтказилди. У нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ёшлари ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликни кучайтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноятга оид қонунчиликни либераллаштириш, тўғри йўлдан адашган инсонларни соғлом ҳаётга қайтариш юзасидан ҳам тарихий қадамлар ташланди.

Сўнгги пайтда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан афв институти кенг қўлланаётгани халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалий ифодасидир. Ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида Мустақиллик байрами арафасида яна бир Фармонга имзо чекдим. Унга кўра, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган 73 нафар шахс жазони ўташ муассасаларидан озод қилиниб, ўз оиласи бағрига қайтарилди. Шунингдек, 40 нафар фуқаронинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шарти бўлган шахснинг фуқаролигини тиклаш бўйича ҳам салмоқли қадамлар қўйилди. Кўп йиллар давомида юртимизда яшаб келаётган бўлса-да, фуқаролик ололмай юрган, бу юксак мақомни узоқ вақт интиқиб кутган 50 мингдан зиёд кишига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

Тараққиёт кушандаси бўлмиш иллат – коррупцияга қарши мамлакатимизда кенг кўламда кураш олиб борилмоқда. Шу борада янги тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этганимиз бу масаланинг долзарблиги ва доимий эътиборимизда бўлишидан далолат беради.

Жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини чуқур қарор топтириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича бошлаган ишларимиз ортга қайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Барчангиз хабардорсиз, ҳозирги мураккаб шароитга қарамасдан, биз зиммамизга олган барча халқаро мажбуриятлар ва келишувларни тўлиқ бажариб келмоқдамиз. Хорижий шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, коронавирусга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига, шунингдек, Хитой, Россия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Япония ва бошқа ҳамкор давлатларга халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этаман.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга қўшма дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемия оқибатларини юмшатиш борасида кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорлик билдираман.

Айни вақтда бизни Мустақиллик байрами билан қутлаётган барча узоқ-яқин давлатларнинг халқларига, чет эллик дўстларимиз ва ҳамкорларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги оғир вазият ҳар биримиздан ўз фаолиятимиз ва масъулиятимизни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

**Халқимизда "Кўз – қўрқоқ, қўл – ботир", деган чуқур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳкам боғлаб, пок ният билан меҳнат қилсак, шубҳасиз, кўзлаган марраларимизга эришамиз.**

Муқаддас китобларда айтилганидек, ҳар қандай қийинчилик ортидан албатта бир енгиллик келади. Барчамиз бунга ишонамиз ва қодир Оллоҳдан шуни сўраймиз.

Ҳали кўп Наврўз ва Ҳайит айёмларини, тарихий саналар ва умумхалқ байрамларини ҳаммамиз биргаликда шоду хуррамлик билан ўтказамиз, иншооллоҳ.

Мана, келгуси йили давлатимиз мустақиллигига ўттиз йил тўлади. Мамлакатимиз тарихидаги ушбу унутилмас шонли санани ҳар томонлама муносиб нишонлашни ният қилганмиз. Илоҳим, шу кунларга соғ-омон, ёруғ юз билан етиш ҳаммамизга насиб этсин.

Маълумки, бугунги байрам арафасида турли соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг катта бир гуруҳи давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди. Уларнинг барчасини қизғин табриклаб, ижтимоий фаолиятлари ва шахсий ҳаётларида янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ўз инсоний бурчи ва фуқаролик масъулиятини чуқур англаб, истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларга, қурувчи ва тадбиркорларга, фермер ва деҳқонларга, навқирон ёшларимизга яна бир бор самимий раҳмат айтаман.

Эл-юрт манфаати йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳурматли депутатлар ва сенаторларимизга, ҳокимият идоралари ходимлари ва маҳалла фаолларига, ҳарбий либос кийган ўғлонларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларга, муҳтарам нуронийларимизга, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

**Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонаман.**

**Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжиҳатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан.**

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва омад ёр бўлсин!

Фарзандлар, набиралар камолини кўриб юриш ҳаммамизга насиб этсин!

Гўзал ва бетакрор юртимиз ҳамиша тинч ва фаровон бўлсин!

Меҳнаткаш ва олижаноб, бағрикенг халқимиз доимо соғ-омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан мукофотланганлар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари ва фаолларидан ҳам бир гуруҳи борлиги барча партиядошларимизни қувонтирди

| № | Фамилияси, исми ва отасининг исми | Иш жойи ва лавозими | Ҳудуд номи | Давлат мукофоти номи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Адилов Жамбул Агитаевич** | Тахтакўпир тумани ҳокими | Қорақалпоғистон Республикаси | **«Содиқ хизматлари учун» медали билан** |
| 2. | **Жолимбетова Сарбиназ Барликбаевна** | Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Чимбой тумани бўлими раиси ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси | Қорақалпоғистон Республикаси | **«Келажак бунёдкори» медали билан** |
| 3. | **Нурматова Шоҳистахон Муҳаммаджоновна** | Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб директори | Андижон вилояти | **«Соғлом турмуш» медали билан** |
| 4. | **Хайриддинова Насибахон Нуъмоновна** | Андижон вилояти "Саховат" кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар интернат уйи ҳамшираси | Андижон вилояти | **«Шуҳрат» медали билан** |
| 5. | **Тожибоев Фарҳоджон Маҳмудович** | Пахтаобод тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири | Андижон вилояти | **«Соғлом турмуш» медали билан** |
| 6. | **Оққиев Сайитқули Мўминович** | Олот тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш, ёшларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича ўринбосари | Бухоро вилояти | **«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан** |
| 7. | **Джураева Саида Тешаевна** | Ўзбекистон ХДП фаоли, меҳнат фахрийси | Бухоро вилояти | **«Меҳнат шуҳрати» ордени билан** |
| 8. | **Нематова Наргиза Исамиддиновна** | Олот тумани ҳокими | Бухоро вилояти | **«Содиқ хизматлари учун» медали билан** |
| 9. | **Бекмурзаев Фаррух Хусенович** | Ўзбекистон ХДП фаоли, Қоровулбозор туманидаги «Қоровулбозор нур обод» масъулияти чекланган жамияти раҳбари | Бухоро вилояти | **«Шуҳрат» медали билан** |
| 10. | **Назарқулов Баракатулла** | Янгиобод туманидаги «Ҳавотоғ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси | Жиззах вилояти | **«Меҳнат шуҳрати» ордени билан** |
| 11. | **Жумаев Уткир Тошмурадович** | Ғузор туманидаги «Қоракўлчилик илмий наслчилик тажриба станцияси» масъулияти чекланган жамияти директорининг маслаҳатчиси | Қашқадарё вилояти | **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан** |
| 12. | **Бердалиева Данагул Сафарбаевна** | Конимех туман Маънавият-маърифат бўлими раҳбари | Навоий вилояти | **«Соғлом турмуш» медали билан** |
| 13. | **Давлатова Норбиби Шокировна** | Нурота тумани маданият бўлими қошидаги "Нуржахон" фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари | Навоий вилояти | **«Шуҳрат» медали билан** |
| 14. | **Жалилов Салойдин** | "Қуйи Зарафшон" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Хатирчи тумани ирригация бўлими бошлиғи | Навоий вилояти | **«Меҳнат шуҳрати» ордени билан** |
| 15. | **Абдихомидова Дилноза Нуриддин қизи** | Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Навоий вилояти бошқармаси ёш оилалар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича бош мутахассиси | Навоий вилояти | **"Келажак бунёдкори" медали билан** |
| 16. | **Каримов Хамит Исакович** | Поп тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими участка мудири | Наманган вилояти | **«Содиқ хизматлари учун» медали билан** |
| 17. | **Асраев Буронбой Маткобулович** | Янгиқўрғон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси | Наманган вилояти | **«Соғлом турмуш» медали** |
| 18. | **Хакимов Ботирали Жўрабаевич** | меҳнат фахрийси | Наманган вилояти | **«Меҳнат шуҳрати» ордени** |
| 19. | **Бойдадаев Абдужаббор Абдусатторович** | Учқўрғон тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори ўринбосари | Наманган вилояти | **"Соғлом турмуш" медали билан** |
| 20. | **Неъматов Комилжон Иброҳимович** | Уйчи тумани маданият маркази қошидаги "Тарона" ашула ва рақс ансамбли мусиқа раҳбари | Наманган вилояти | **"Шуҳрат" медали билан** |
| 21. | **Нажмиддинов Абдураззоқ** | Меҳнат фахрийси | Сирдарё вилояти | **"Шуҳрат" медали** |
| 22. | **Сабиров Камилжан Эркинович** | Сирдарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари | Сирдарё вилояти | **"Шуҳрат" медали** |
| 23. | **Нажимова Халалби** | Ангрен шаҳридаги «Облиқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси | Тошкент вилояти | **«Соғлом турмуш» медали билан** |
| 24. | **Вафаев Улугбек Назарович** | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари | Тошкент шаҳри | **«Содиқ хизматлари учун» медали билан** |
| 25. | **Сайфитдинова Мастурахон** | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қува туман кенгаши раиси, Қува туманидаги «Қува анори» агрофирмаси раҳбари | Фарғона вилояти | **Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан** |
| 26. | **Султанов Иброхим Ашипалиевич** | Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси, Сенатор, Қўштепа туманидаги «Исмоилжон гиламлари» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари | Фарғона вилояти | **«Дўстлик» ордени билан** |
| 27. | **Рахимова Якут** | Меҳнат фахрийси | Хоразм вилояти | **«Шуҳрат» медали билан** (100 ёшдан ошганлар) |
| 28. | **Жуманиязов Касим Хажиевич** | Шовот тумани «Темир йўл обод» чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган комплекси раҳбари | Хоразм вилояти | **«Меҳнат шуҳрати» ордени билан** |
| 29. | **Ли Сергей Дмитриевич** | Гурлан тумани телекоммуникация боғламаси муҳандиси | Хоразм вилояти | **«Дўстлик» ордени билан** |
| 30. | **Шержанов Раимбой** | Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Янгибозор тумани Кенгаши раиси | Хоразм вилояти | **«Дўстлик» ордени билан** |
| 31. | **Жумабаев Уткир Каримович** | «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг Хоразм вилояти филиали ишлаб чиқариш бўлими цех бошлиғи | Хоразм вилояти | **«Шуҳрат» медали билан** |
| 32. | **Раджапова Умида Атабаевна** | Урганч почта алоқаси боғламаси бўлим бошлиғи | Хоразм вилояти | **«Шуҳрат» медали билан** |

**Қадрли партиядошлар, юксак мукофотлар муборак бўлсин!**

**1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учраган.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Тарихан қисқа даврда мамлакатингиз катта ютуқларга эришди – у нафақат Марказий Осиёда, балки халқаро майдонда ҳам фаол иштирокчига айланди.

Қардош Ўзбекистонга фаровонлик ва жадал тараққиёт, ўзбек халқи Сиз раҳбарлигингизда порлоқ келажакка эришишини чин юракдан тилайман.

Сизнинг минтақамиз давлатлари ўртасида шериклик ва ҳамкорликни, жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари доирасида мустаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатларингизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Мен мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик анъанавий ҳамкорлик асосида шаклланган стратегик шериклик бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик ва улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Самимият ила,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикасининг**
**Биринчи Президенти – Элбоши**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Сизнинг кучли ва эҳтиромга сазовор раҳбарлигингизда Ўзбекистон барқарор ривожланишни таъминлашга, халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган кенг миқёсли, узоқ истиқболга мўлжалланган ислоҳотларни ишонч билан амалга оширмоқда.

Қозоғистон Ўзбекистон эришган ютуқлардан чин дилдан хурсанд ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги биродарлик ришталари ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга катта аҳамият беради.

Ишончим комил, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг барча масалалари бўйича ўзаро ишончга асосланган фаол мулоқотимиз бундан буён ҳам Қозоғистон – Ўзбекистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман!

Ҳурмат билан,

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Қадрли биродарим!

Туркманистон халқи ва Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингиз Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутлаш ва энг яхши тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссарман.

Мустақиллик йилларида қардош Ўзбекистон ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини яхшилаш ва халқаро майдондаги нуфузини оширишда сезиларли ютуқларга эришди.

Мамлакатингизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши танланган йўл нақадар самарали эканининг яққол тасдиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Туркманистон Ўзбекистон Республикаси билан йилдан-йилга янги мазмун билан бойиб бораётган муносабатларни самимий қадрлайди. Мулоқотимизга хос бўлган илиқлик ва ўзаро ишонч бундан буён ҳам икки қардош халқ манфаати йўлида стратегик шерикликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович,

Сизни ва барча юртдошларингизни миллий байрам – Мустақиллик куни билан чин юракдан қутлайман.

Шундай муҳим кунда Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, ишларингизда янги зафарлар, қардош ўзбек халқига эса абадий тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлатчиликни барпо этишнинг катта йўлини босиб ўтди ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, халқ фаровонлиги ўсишини таъминлашда ва ўзининг халқаро обрўсини оширишда салмоқли ютуқларга эришди. Айниқса, Сизнинг, муҳтарам Шавкат Миромонович, раҳбарлигингизда бугун мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида амалга оширилаётган ўзгаришлар таҳсинга сазовор.

Тожикистон – Ўзбекистон дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини изчил мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳар доим Тожикистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналиши бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда томонларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали давлатлараро ҳамкорлик умумий манфаатларнинг барча соҳаларида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлашдан мамнунман.

Ишончим комил, кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ишонч анъаналарига асосланиб, биз қардош халқларимиз манфаатлари, минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва конструктив ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашда давом этамиз.

Чуқур ҳурмат билан,

**Эмомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

◄ *Давоми, боши 1-бетда.*

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Қирғиз Республикаси халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон Республикаси халқини Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистоннинг минтақада ва бутун дунёдаги мавқеи сезиларли даражада мустаҳкамланганини, мамлакатда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ижобий натижалар бераётганини таъкидламоқчиман.

Ишончим комилки, сизнинг кўмагингиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари бундан буён ҳам икки халқнинг ёрқин келажаги йўлида изчил ривожланиб боради.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга ва оилангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман!

Ҳурмат билан,

**Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ,**
**Қирғиз Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент, ҳурматли қардошим!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини халқим ва шахсан ўз номимдан энг самимий туйғуларим ила муборакбод этаман.

29 йиллигини қутлаётган дўст ва қардош ўлка – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги биз учун буюк қувонч ва бахтиёрлик манбаидир.

Туркия Республикаси Ўзбекистоннинг ва ўзбек қардошларининг ёнида бўлишда давом этади.

Бу йил февраль ойида Стратегик ҳамкорлик Олий кенгаши биринчи йиғилиши ва Президент Девони қошидаги кутубхонанинг очилиш маросимига иштирок этиш учун юртимизга амалга оширган ташрифингизнинг гўзал таассуротлари ҳамон ёдимизда.

Стратегик шериклик даражасига етган муносабатларимизда кузатилаётган ўзгаришларни эътиборга олганда, эришилган жадаллик суръатлари сақланиши ва давом эттирилиши катта аҳамиятга эга.

Бу борада Қурбон ҳайити муносабати билан юборган табрик мактубингизда Стратегик ҳамкорлик Олий кенгашининг кейинги йиғилишини ўтказиш учун Ўзбекистонга таклифингизни мамнуният билан олдим. Келгусида дипломатик каналлар орқали белгиланадиган мақбул санада Ўзбекистонга ташриф буюришдан ғоят бахтиёр бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст ва қардош ўзбек халқига омонлик тилакларимни йўллайман.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович,

Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллик байрами муносабати билан энг самимий табрикларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ўтган йили Ўзбекистонга ташрифим давомида алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилган мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада фаол ривожланиб боришига умид қиламан.

Айни пайтда бутун дунё COVID-19 пандемияси билан боғлиқ мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Умид қиламанки, мамлакатларимиз яқин ҳамкорлик орқали коронавирусни ақл-заковат билан енгиб, икки томонлама алоқаларни янги, юқори даражага кўтаради.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига чексиз фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Мун Чже ИН,**
**Корея Республикаси Президенти**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари!

Сизга ва мамлакатингиз фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.

Ўтган йилги ўзаро ташрифларимиздан буён Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётгани жуда қувонарлидир.

Барчамиз учун жиддий муаммога айланган COVID-19 пандемияси инқироз шароитида ишонч ва шериклик нақадар муҳимлигини намойиш этмоқда.

Айни шу пайтда Сиз бошлаган ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари кўринарли натижаларни бермоқда. Сизга ушбу йўлни муваффақиятли давом эттиришингизни тилайман ва Германия бу борада Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашда давом этишга тайёрлигини билдираман.

Сизга энг эзгу тилаклар, Ўзбекистон халқига эса эркинлик, хавфсизлик ва фаровонлик шароитида тинч келажакни тилайман.

**Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

*Хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар ва жамоат арбобларидан қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШГАНЛАР ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА ЯШАЙДИ



**Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.**

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизлари номларини, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида улар хотирасига эҳтиром туйғусини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан буён 31 август санаси мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

Қурбон бўлганларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи бунёд этилди. Бу масканлардан зиёратчилар қадами узилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Мажмуадаги рамзий қабр ёнида қатағон қурбонлари руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда нуронийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди.

– Ватан фидойиларини эслашимиз, уларнинг ҳақига Қуръон ўқишимиз яхши анъана. Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик учун, халқимиз эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Охирги йилларда бутун жамоатчилигимиз ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдириш, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилиняпти. Буларнинг ҳаммаси – одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни етказиш, халқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига етиши учун, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, мустабид тузум даврида минглаб бегуноҳ ватандошларимизнинг умри хазон бўлган. 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учраган. Уларнинг 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, болалар етим қолган. Биргина 1937-38 йиллардаги катта қатағон даврида 7 мингга яқин ватандошимиз отилган.

– Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илғор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндалари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатағон қилинмаганида Ватанимиз ривожи учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди. Шу билиб туриб қилинган. Бугун буни армон билан эслаймиз, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари қатағонга учраган ана шу 100 минг одамнинг ҳар бири бўйича изланиш, жойларга чиқиб, қариндошлари билан учрашиб, номларини тиклаш, қилган ишлари ҳақида китоблар чоп этиш, ўзлари яшаган маҳаллалар ва мактабларга номларини қўйиб, хотирасини абадийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари маърифатпарварлар хотирасига бағишлаб музейлар, муаззам ҳайкаллар яратилди. Ижод мактаблари бунёд этилди. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда Қатағон қурбонлари музейининг бўлимлари очилди. Қатағон қурбонларига бағишланган янги-янги китоблар, фильмлар, тадқиқотлар яратилмоқда.

Коронавирус пандемияси юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Афсуски, бу касаллик уч юздан зиёд юртдошимизнинг ҳаётига зомин бўлди.

Маросимда ушбу инсонлар хотирасига бағишлаб ҳам Қуръон тиловат қилинди. Беморларнинг тезроқ соғайишини Аллоҳдан сўраб, дуо ўқилди.

– Ўз яқинларидан жудо бўлган барча оилаларга чуқур ҳамдардлик билдириб, сабр-тоқат тилайман. Даволанаётган беморларимизнинг дардига шифо беришини Худодан сўраймиз. Олти ойдан бери шу бало билан курашяпмиз. Бу касаллик юртимиздан тезроқ кетишини сўраб дуо қиламиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами муносабати билан йиғилганларни табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам монумент пойига гуллар қўйди.

**ЎзА**

# МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЁБИ ЙЎЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ

**Кўксарой қароргоҳида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, илм-фан, маданият соҳаси фидойилари, нуронийлар ва ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари махсус студияларда онлайн кузатиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам нутқини сўзлади.

Мустақиллик байрами – бу қутлуғ кун шукуҳи неча йил ўтса ҳамки қадрини йўқотмайди. Тириклик қадар мангу давом этади. Халқимизнинг, ота-боболаримизнинг кўп йиллик орзуси ушалганига – Ватанимиз озодликни қўлга киритганига ҳам 29 йил бўлди. Мустақил ўтган йиллар сарҳисоби беҳисоб ва мазмунли. Биргина кейинги, хусусан, синовли 2020 йилда амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўлами ҳам ғоят кенгдир.

Иқтисодиёт тармоқлари – хусусий тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқ каби йўналишларда янги механизмлар жорий этилди. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида оилавий бизнес, ҳунармандчилик, томорқачилик, хуллас, бир оила яхши яшаши, ўзини тиклаб олиши зарур бўлган барча йўналишларда катта имкониятлар берилди. Солиқ юки енгиллаштирилди.

Бу йил халқимиз учун синовли келди. Табиий ва техноген офатлар, пандемия шароитида халқимиз жипслигини кўрсатди. Бу бало-қазоларни оқилона, аниқ ва пухта ўйланган чора-тадбирлар туфайли енгиб ўтмоқдамиз.

– Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда. Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётгани, янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини қайд этди.

Бу борада, ҳеч шубҳасиз, юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, илм-фан равнақи йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, ўқитувчилар обрўси йил сайин юксалиб, таълим сифати яхшиланаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев қўшма дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемия оқибатларини юмшатиш борасида кўрсатган ёрдамлари учун Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга миннатдорлик билдирди. Халқимизни Мустақиллик байрами билан қутлаётган ҳамкор давлатлар халқларига тинчлик-омонлик ва фаровонлик тилади.

– Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Карантин чекловларига қарамай, Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ишлари изчил давом эттирилди. Корхоналар белгиланган режаларни бажармоқда. Йил бошидан буён 9 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришилгани фикримиз далилидир. Бу йил республикамизда биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилиши қайд этилди.

– Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонаман. Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжиҳатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистонда Мустақиллик байрами тадбирлари давом этмоқда.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фармонига биноан мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан, халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим-тарбия, илм-фан соҳаларини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиёти, тинчлиги ва ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун "Ўзбекистон овози" газетаси таҳрир ҳайъати аъзоси, Самарқанд давлат университетининг мумтоз адабиёт тарихи кафедраси профессори?



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди.

Устозни юксак мукофот биллан қутлаймиз!

# ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН

## янги иш ўринлари яратилди

**Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Фотима Зиёдуллаевани бухороликлар яхши билишади. У ташаббускор депутатлардан бири. Қачон қараманг, маҳаллама-маҳалла юрган бўлади. Одамлар муаммоларини ўрганиб, уларга ечим топишга ҳаракат қилади. Айниқса, хотин-қизлар бандлигига кўп эътибор беради. Унинг сай-ҳаракатлари билан "Пешкў чеварлари" МЧЖ ташкил этилди. Айни вақтда цехда юз нафардан зиёд опа-сингилларимиз меҳнат қилмоқда. Болалар учун спорт формалари, махсус кийимлар тикилмоқда.**

— Пандемия барча соҳаларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси корхона раҳбари Фотима Зиёдуллаева. — Пандемия шароитига мослашган ҳолда ишлашимизга тўғри келмоқда. Корхонамизда ҳам карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда иш давом этмоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада йилига 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкони бор. Сифатли ва рақобатбардош товарларга ички бозорда талаб катта. Айни кунларда бу ерда 120 нафар маҳаллий хотин-қиз меҳнат қилишмоқда.

Биласизми, одамлар орасида юришни яхши кўраман. Айниқса, хотин-қизлар ўз муаммоларини ишониб айтишганда, янада масъулиятли бўлишга ҳаракат қиламан. Уларнинг кўпчилиги даромад манбаига эга бўлишни, ишлаб, рўзғорига ёрдам қилишни исташади. Шулар туртки бўлиб, тадбиркорликка қўл урдик. Ҳар тонг корхонага келиб, опа-сингилларнинг кўзларидаги мамнуниятни кўриб, ўзимни бахтли ҳис этаман.

— Севган касбингда ишлаш, унинг устига яхши ойлик маош олиш кимга ёқмайди, — дейди "Пешкў чеварлари" МЧЖ тикувчиси Раъно Каримова. — Бизга бу имкониятни берган Фотима Зиёдуллевадан хурсандмиз. Ишга келиб-кетишимиз учун махсус автобус ажратилган, бепул тушлик ҳам берилади.

Пандемия даврида тиббий ниқоблар ва махсус комбинзон ҳам тикдик. Кунига 15 минг донага яқин тиббий ниқоб, шунингдек, юзга яқин комбинзон тайёрлаб, ҳудуддаги дорихоналар ва тиббиёт муассасаларига, буюртмачиларга етказяпмиз.

**Шаҳло БАҚОЕВА,**
**журналист.**

*Депутатларга ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш вазифаси ҳокимликлардан олинади...*

# ВАКОЛАТЛАР КЕНГАЙИШИ МАСЪУЛИЯТНИ ҲАМ ОШИРАДИ



***Маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятига оид бундай янгиликларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Айниқса, пандемия шароитида катта ташаббуслар, лойиҳалар, таклифлар билан чиқаётган, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда фаоллик кўрсатаётган депутатларимиз жуда кўп.***

**"Янги Ўзбекистон" деган тушунча ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Чунки кейинги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришлар ва барча соҳалардаги ислоҳотлар юртимизни ҳақиқий маънода янгиламоқда. Энг муҳими, Президентимизнинг ташаббуси ва ғоялари асосида давлат ва жамият бошқарувида бутунлай туб бурилиш қилинди. Натижада Ўзбекистон янги демократик қиёфа билан бутун дунёга юз тутди.**

Айрим маълумотларга, эътиборингизни қаратмоқчиман. 2016 йилнинг сентябридан 2020 йилнинг январь ойига қадар Президентимиз томонидан 194 та қонун, 1106 та фармон, 1974 та қарор, 933 та фармойиш имзоланган. Мана шу ҳужжатларнинг барчаси бугун биз ғурур билан эътироф этаётган янги Ўзбекистоннинг шаклланишида асос бўлди.

Уларнинг ижросини таъминлаш баробарида, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш давлат сиёсатининг бош мезони этиб белгиланди. Барча бўғиндаги раҳбарлар, айниқса, халқ вакиллари бўлган депутатлар учун жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш масаласи бош вазифага айланди.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда маҳаллий кенгашларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш борасидаги ҳуқуқий асослар босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилмоқда. Айниқса, қонунчилигимиздаги кейинги ўзгаришларга кўра, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш вазифасини ҳокимликлар аппаратидан тегишли халқ депутатлари Кенгаши котибиятига ўтказиш, котибиятга юридик шахс мақомини бериш ва унинг фаолиятини тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилаётгани маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолиятини янада самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, эндиликда депутатлар билан бевосита ишлайдиган алоҳида ваколатли тузилма шаклланади. Ўз навбатида, бу халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан депутатлик назоратини таъминлашига имкон яратади.

Албатта, бугунги кунга келиб, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлаётганини таъкидлашимиз лозим. Масалан, шу йил март ойида Олий Мажлис Сенати ва Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун ўтказилган семинар ғоятда фойдали бўлди. Шунингдек, Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилганлиги, жойлардаги ислоҳотлар натижалари биргаликда таҳлил қилинаётгани, мавжуд муаммолар ҳал этилаётгани маҳаллий Кенгаш депутатлари яхши тажрибаларни тўплашига хизмат қилмоқда.

Битта мисол айтишим мумкин, яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши кураш ҳамда Ижтимоий ривожланиш ва жамоат бирлашмалари қўмиталари, Тўрткўл, Беруний. Элликқалъа туманлари халқ депутатлари Кенгашларидаги худди шу йўналишдаги комиссияларнинг ҳамкорликдаги онлайн йиғилиши ўтказилиб, унда мазкур туманлар суд раислари, прокурорлари ва ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Жўқорғи Кенгес қўмиталарининг туман Кенгашларидаги комиссиялар билан ҳамкорликда масалани муҳокама қилиши, унда мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиши ҳам амалиётда биринчи марта бўлди.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятига оид бундай янгиликларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Айниқса, пандемия шароитида катта ташаббуслар, лойиҳалар, таклифлар билан чиқаётган, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда фаоллик кўрсатаётган депутатларимиз жуда кўп.

Бу мисоллар маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолияти янги Ўзбекистоннинг тараққиёти йўлидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда фаоллашиб бораётганини кўрсатади.

Маълумки, Ўзбекистонимиз 2035 йилга бориб, иқтисодий ривожланган 50 та мамлакат қаторига қўшилиши стратегик мақсад этиб белгиланган. Бу марранинг замини албатта бугунги замондошларимиз, сиз ва биз томонимиздан яратилади. Шундай экан, она юртимизнинг чин маънода юксалиши, янги Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун янада фаол ва фидойи бўлишимиз лозим, деб ўйлайман.

**Назира МАТЯҚУБОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати.**

# Нақшбандия тариқатининг юртимизда яшаб ўтган сўнгги пири ҳақида биласизми?




**«Тамаддун» нашриёти Нақшбандия тариқатининг юртимизда яшаб ўтган сўнгги номдор пирларидан бири Қутбиддин ибн Муҳйиддинхон Ургутий ҳақида «Зоти Бобаракот» номли китобни нашр этди.**

Китобда олимнинг ўзига хос мураккаб ҳаёт йўли, илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, ахлоқий тарбия билан боғлиқ қарашлари, кишиларни ҳалоллик, комилликка чорловчи даъватлари, илмий ва ижодий фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар батафсил берилган. Шу билан бирга, улуғ олимнинг шогирдлари томонидан ёзилган хотиралар ҳам китобдан кенг жой олган.

«Зоти Бобаракот»га таниқли адабиётшунос Султонмурод Олим мухтасар сўзбоши ёзган.

Атоқли олимлар Ғайбулло ас-Салом, Нажмиддин Комилов, академиклар Ботурхон Валихўжаев, Эргаш Фозилов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, адабиётшунослар Ҳасан Қудратуллаев, Шерали Турдиев, профессор Дилором Салоҳий, шоир Тилак Жўра ва кўплаб таниқли зиёлиларнинг дил сўзлари, хотираларини ўқиб, улуғ олим ҳақидаги тасаввурларингиз бойийди. Ёзувчи Олмос отаси – Ғафур Ғулом ва Қутбиддинхон Эшоннинг ўзаро дўстона муносабатлари ҳақида қизиқарли маълумотларни ҳикоя қилади. Алломанинг набираси Абдували Қутбидиннинг бобосига бағишланган шеъри ҳам самимийлиги билан китобхонни ўзига тортади.

Шайх Қутбиддинхон яшаган замон нозик эди. У дастлаб Тожикистонда, кейин Тошкентда – Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида самарали фаолият олиб боради. Кўплаб ёшларга устозлик, мураббийлик қилади.

Қутбиддинхон Эшон Қуръон, ҳадис ва тасаввуф илми билимдони бўлиши билан бирга Қутбий тахаллуси билан форсий ва туркчада гўзал ахлоқий шеърлар ҳам ижод қилган...

«Тамаддун» нашриёти томонидан нашр этилган ушбу китоб ҳар қандай китоб жавонига безак бўла олади. Кўнгилларга нур, сурур олиб киради. Ушбу китоб ҳаёти бошдан охир ибрат бўлган улуғ ватандошимиз ҳақидаги кемтик тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади.

**ЎзА.**

## МУНОСАБАТ

**Ҳеч шубҳа йўқки, мустақиллик ҳақида сўз борар экан, озод ва обод юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг қалбида шодлик, фахр-ифтихор туйғулари уйғонади. Жаннатмакон Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеи юксалиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркам қиёфага кириб бораётгани, меҳнаткаш халқимиз бугунидан бахтиёр, эртасига тўла ишонч руҳи билан яшаётганлигини кўриб қувонмай бўладими. Серқуёш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бугунги авлод чинакам бахтли авлод. Эркин, обод, тинч ва осойишта мамлакатда яшаяпмиз, фарзандларимиз ҳамда невараларимиз янада бахтлироқ яшаши учун мустаҳкам пойдевор яратяпмиз. Ана шундай олижаноб мақсад йўлида қўлни-қўлга бериб меҳнат қиляпмиз. Дарвоқе, кўплаб улуғ аждодларимиз учун Она – Ватанимизни озод кўриш армон бўлди. Шундай экан, истиқлол туҳфа этган беқиёс неъматларнинг қадрига етишимиз лозим.**

# МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ўтмишимни ёдга оламан. Мен Ўзбекистон Фанлар Академиясида 1965-2002-йилларда фаолият олиб борганман. Мустақилликдан олдинги йилларда бирор ишни амалга ошириш учун, масалан, битта янги бинони барпо қилиш учун Москвага қайта-қайта боришга тўғри келар эди. Бинонинг режаси, бинони қуриш учун рухсатнома, бинонинг харитаси ва шу кабилар учун раҳбарлар олдига алоҳида-алоҳида қатнашга мажбур бўлар эдик. Бинони қуриш учун етарли маблағ ажратилмасди, яна елиб-югуришга тўғри келарди.

Илмий ишлар, яъни, номзодлик ёки докторлик диссертацияларини ёқлаш учун ҳам Москвага ҳужжат жўнатиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш учун ўтказиладиган тадбирларни ҳам у ерда тасдиқлатиш керак эди. Бундай жараёнлардаги асосий оппонентлар ҳам бошқа тилда гаплашадиган олимлардан тузиларди. Энг ачинарлиси шуки, барча илмий ишлар, илмий мақолалар рус тилига таржима қилиниши шарт бўлган. Бу ўз навбатида ишнинг самарадорлигини сусайтирган, бир қатор муаммолар юзага келишига сабаб бўлган. Бугун ҳуқуқимиз қўлимизда. Ўзимиз билиб ишимизни қиламиз.

Toshkent City қурилиши бунга яққол мисол бўла олади. Пастқам уйлар ва тор кўчалардан иборат бўлган маҳаллалар ўрнида шаҳар ичидаги шаҳар бунёд этилгани асрга татигулик воқеа бўлди. Илгарги замонда бундай қурилишга ҳеч ким рухсат бермасди, пул ҳам ажратмасди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги остида муқаддас Ўзбекистонимиз янгича, замонавий қиёфа касб этмоқда. Янги қурилган "Ҳумо" аренаси, Юнусобод туманидаги ер ости метро йўналиши, Яшнабод туманида "Ер усти метроси", "Уч поғонали йўл ўтказгич", "Навоий" эркин иқтисодий зонаси, "Навоий-азот" АЖ, Фарғона вилоятидаги Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси, Наманган вилоятидаги "Мева-сабзавотчилик кластери", Андижон шаҳридаги "Digital city" технопарки, Фарғона туманидаги керамика заводи ва шу каби бунёдкорлик мажмуалари бунга яққол мисол бўла олади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, биз, нуронийларга ҳам катта эътибор берилмоқда: "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги, "Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қонунлар яратилди. Шу билан биргаликда, ёшларга ва таълим соҳасига катта эътибор берилмоқда. Улуғ адибларимиз номидаги ижод мактаблари, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби, Болалар миллий тиббиёт маркази, ЎзФА математика институти, Мактабгача таълим вазирлиги, "Китоб нашри, мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш тўғрисида"ги, "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар бунинг ёрқин исботидир.

Мустақил Ўзбекистонимиз кундан-кунга гуллаб-яшнашини, янгидан-янги бунёдкорлик ишлари амалга оширилишини, фарзандларимиз гўзал она диёримиз бағрида бахтли-саодатли вояга етишларини тилаб қоламан.

**Муборак ТИШАБАЕВА,**
**Халқаро Муҳандислар Академияси академиги, техника фанлари доктори, профессор, "Нуроний" жамғармаси бошқарувидаги "Олималар гуруҳи" кенгаши аъзоси.**

# ОБОД ТУМАНГА КАМБАҒАЛЛИК ЯРАШМАЙДИ



**Зуҳра ШОДИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Оққўрғон туманида ҳам ободонлаштириш ва одамларга арзон нархларда уй-жой қуриб бериш, ишлари жадал ривожланмоқда. Натижада 200 нафарга яқин оила мустақиллик байрамини янги уйларда кутиб олмоқда.

Оққўрғон туманида туман ҳокими Фарҳод Омонов раҳбарлигида ободонлаштириш ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Йил бошидан бери туманда 15, 22, 25, 38-мактаблар бинолари, 3, 5, 16-мактабгача таълим муассасалари замон талаблари асосида барпо этилди. Туман қишлоқларида 50 км.дан ортиқ ички йўллар асфальтланди.

Туманда аҳолини электр қуввати ва газ билан узлуксиз таьминлаш ишлари тўлиқ амалга оширилди.

Шунингдек, ночор оилаларни камбағалликдан чиқариш учун "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Кам таьминланган оилаларга болали сигирлар, қўй, эчки, товуқлар, 0,5-1 гектардан экин уруғи экилган майдонлар тарқатилмоқда. Натижада шу кунгача 120 нафардан ортиқ оила камбағалликдан чиқиб, бахтли ҳаётга қадам қўйишди. Ана шундай оилалардан Шарифа Холматова, Карамат Эргашев, Умида Тошматова, Дилрабо Эргашевалар оилалари ўзларини тиклаб олиб, Юртбошимизга ўз миннатдорчиликларини билдиришмоқда.

Кун сайин обод бўлиб бораётган туманга камбағаллик ярашмайди, албатта.

Оққўрғон шаҳрида яшовчи Анвар ҳожи Нишонов ва Кумушхон ҳожи она Кабировалар оиласи томонидан "Хонобод" маҳалласида яшовчи 20 оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳаллий аҳолидан тушган илтимосномалар асосида улар йил охиригача ночор оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказиб беришни ҳам зиммасига олишди.

— Оилада олти жонмиз, — дейди "Хонобод" маҳалласи, Чилонзор кўчасида яшовчи Маҳлиё Собирова. — Анвар ҳожи Нишоновлар оиласи томонидан кўрсатилиб келинаётган меҳр-мурувватдан миннатдормиз.

Туман ҳокими муовини, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман кенгаши раиси Гулнора Абдуназимова билан биргаликда маҳалла аҳолисини мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами билан табрикладик, одамлар билан суҳбатлашдик. Улар кейинги йилларда туманда катта ўзгаришлар бўлаётганини миннатдор бўлиб гапиришди.

— Ҳозиргача 32 нафар оилани камбағалликдан чиқариш учун ҳомийлар ёрдамида сигир, қўй, эчки, товуқ, айримларга бир миллион сўмдан пул ёрдами тарқатдик, — деди "Зарбдор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элмурод Турдибоев. — Қолган 28 оиланинг ҳар бирига 500 минг сўмдан пул тарқатилиб, ҳар қайси оилага буғдойдан кейин ҳайдалиб, сув қуйилиб, экин уруғи экилган майдонлардан бир гектардан ажратиб бердик.

Оддий одамларга ҳозиргидек эътибор ва ғамхўрликни ҳеч қачон кўрмаганмиз, — деди 90 ёшли Раҳмон ота Очилов. — Қаранг, қанча қурилишлар бўлаяпти. Ночорларга арзон уй-жой, ишлайман деганга ер берилаяпти. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Сўнгра Шермуҳаммад Собиров раҳбарлигидаги "Зомин" фермер хўжалиги пахта далаларида бўлдик. У ерда меҳнат қилаётган Раҳмон Норматов, Баҳодир Маманов, Шавкат Сиддиқов, Роҳила Маматова каби ишчилар билан суҳбатлашдик, улар учун яратилаётган шароитлар билан танишдик. Одамларнинг сўзлари, юз-кўзларидан байрамона кайфият яққол сезилиб турибди.

Ҳа, Оққўрғон тумани аҳли мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрамини ана шундай кўтаринки руҳда кутиб олмоқда.



# 7,5 МИНГ НАМОЗХОНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

## масжид қурилди

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллик байрами арафасида Ургут туманида Самарқанд вилоятидаги энг катта масжид қуриб битказилди. Унинг хонақоҳида бир пайтнинг ўзида 7500 нафар киши намоз ўқиши мумкин.**

Ушбу масжидга Шайх Қутбиддинхон эшон номи қўйилиши кутилмоқда. Қутбиддин Муҳиддинов – Эшони Шайх ҳазратлари 1906 йил Ургут шаҳрида Муҳиддинхон Валихон ўғли хонадонида дунёга келиб, 1983 йилда вафот этган.

«Араб, форсий ва туркий тилларни, адабиётни чуқур билганиданми, Шайх Қутбиддинхоннинг атрофи ҳамиша толиби илмлар билан гавжум эди. Ҳазрат ниҳоятда ҳалим ва бағрикенг инсон бўлган. Хоҳ Қуръони мажид тафсири, хоҳ ҳадиси шариф шарҳи, араб, форс ва туркий тиллар тарихи бўладими, хоҳ Абдулқодир Бедил ёки Алишер Навоий шеърияти билан боғлиқ бўладими, ҳар қандай масала юзасидан ҳазратга ким мурожаат қилмасин, батафсил жавоб эшитар, шайх Қутбиддинхонга чинакам ихлосманд бўлиб, ширин суҳбатларида бўлишни ҳамиша орзу қилар эди», деб ёзади домланинг шогирдларидан марҳум академик Ботурхон Валихўжаев.

**Ўз мухбиримиз.**

## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 30 июлдаги 165-П-сон буйруғи билан **«Toshkentgeologiya»** давлат унитар корхонаси (СТИР:304930826) қайта ташкил этиш йўли билан «Toshkentgeologiya» акциядорлик жамиятига айлантирилганлиги ва Юнусобод туман Давлат хизматлари марказида 2020 йил 20 августда давлат рўйхатига олинганлиги маълум қилинади.

**«Toshkentgeologiya»** акциядорлик жамияти **«Toshkentgeologiya»** давлат унитар корхонасининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан, манфаатдор ташкилотлар мавжуд дебитор ва кредитор қарздорликлар ва бошқа масалалар бўйича ҳуқуқий ворис бўлган «Toshkentgeologiya» акциядорлик жамиятига мурожаат қилишлари мумкин.

**Мурожаат учун манзил: 110200, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Халқобод кўчаси, 8-уй. Тел:(93) 575-41-15, (99) 525-78-17.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокимининг кексалар ва фахрийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Январ Иноятовга турмуш ўртоғи

**Зулфия ИНОЯТОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

# БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ




САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИ ПАЙШАНБА ШАҲАРЧАСИ

## «ОТАЖОН ШИРИНЛИКЛАРИ» ОИЛАВИЙ КОРХОНАСИ

жамоаси

Ўзбекистон аҳлини Ватанимиз озодлигининг 29 йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайди. Эл-юртни ўйлаб, ёниб яшаётган фидойи, бағри кенг, саховатли, меҳр-оқибатли юртдошларимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин! «Отажон ширинликлари» байрам дастурхонини безайди!







EMMM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни Истиқлол байрами билан табриклайди!

Ватанимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ишларингизда зафарлар тилайди.

Юртимиз осмони мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

**Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситалари *(узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ни* республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилиш лозимлигини эслатиб ўтади.**

Бизнинг манзиллар:

**Тошкент шаҳри,** Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
**Андижон шаҳри,** Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
**Бухоро шаҳри,** академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
**Жиззах шаҳри,** Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
**Нукус шаҳри,** Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
**Қарши шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
**Навоий шаҳри,** Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.
**Наманган шаҳри,** Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
**Самарқанд шаҳри,** Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
**Термиз шаҳри,** Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
**Гулистон шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
**Фарғона шаҳри,** Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
**Урганч шаҳри,** Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.


QQB | Qishloq Qurilish Bank

# ЯНГИ УЙ УЧУН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

**Миллий матбуот марказида "Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" иштироки" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.**



Тадбирда такидланганидек Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва 2020 йил 1 майдаги "Аҳолини уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Қишлоқ қурилиш банк" масъул ходимлари кредит сиёсатининг асосий тамойиллари, хизматлар сифатини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва уй-жой хариди учун ипотека кредитларини ажратиш шартлари ҳақида атрофлича маълумот бердилар.

"Қишлоқ қурилиш банк" томонидан янги тартиб асосида бирламчи уй-жой бозорида квартира ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган арзон уй-жойлар харид қилиш учун ипотека кредитлари ажратилмоқда.

Айниқса, янги тартиб асосида ажратилаётган ипотека кредитлари аҳолининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Банк томонидан янги уй учун ипотека кредит олиш шартлари бирмунча соддалаштирилиб, хизмат тарифлари сезиларли равишда туширилди, кредит муддати эса 20 йил этиб белгиланди. Унга кўра, фуқаролар янги тартиб доирасида қурилган, шунингдек, янги тартиб доирасидан ташқари фойдаланишга топширилган санадан кўпи билан икки йилдан ошмаган пудрат ташкилоти ҳисобидан бўлган кўп квартирали уйлардаги квартираларни таклиф этувчи бирламчи уй-жой бозоридан уй харид қилиш имкониятига эгалар.



Чунончи жорий йилнинг 20 август ҳолатига бирламчи уй-жой бозоридан квартира харид қилиш истагидаги 222 та фуқарога жами 51,3 млрд. сўмлик, шундан субсидия тўланадиган 14 та фуқарога 3,4 млрд. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

Ўз навбатида, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши учун ипотека кредитлари ажратишга доир тартиб ҳам амал қилмоқда. Бунда уй-жой олувчи фуқаро дастлаб туман ҳокимлигидан тавсиянома олиб, инжиниринг компания билан шартнома расмийлаштириши талаб этилади. Бу турдаги ипотека кредити муддати бир йилдан иборат имтиёзли давр билан 20 йилгачани ҳисобланади.

Жорий йилда "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК иштирокида жами 8 мингта арзон уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда 4098 та уй-жойлар бевосита АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан молиялаштирилмоқда.

Жорий йилнинг 20 август ҳолатига келиб, қурилиш ишларини молиялаштириш мақсадида 52,04 млрд. сўмлик аҳоли маблағлари ҳамда 94,5 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредити маблағлари - жами 146,54 млрд. сўмлик маблағлар сарфланди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил маълумот олдилар.

**Алишер РЎЗИЕВ**

# БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ







Маҳсулотлар сертификатланган.

# «НУРОБОДТУМАНГАЗ» таъминоти филиали «ҲУДУДГАЗ САМАРҚАНД» МЧЖ жамоаси



— Халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан муборакбод этиб, барчага тинчлик, соғлик ва омад ёр бўлишини тилайди!









# ТАЙЛОҚ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ жамоаси:

— Халқимизни энг улуғ байрам — Мустақиллик куни билан қутлаймиз. Юртимизга кўз тегмасин, барча эзгу ишларимиз бароридан келсин. Ўзбекистонимиз довруғи дунёга таралсин, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!











## БАЙРАМ ҚУТЛОВЛАРИ






Самарқанд вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси

# НУРОБОД ТУМАНИ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ жамоаси

юртимиз аҳлини Мустақиллик байрами билан чин юракдан қутлайди. Ҳаммага соғлик-омонлик, тинчлик-тотувлик тилайди. Ҳаёт йўлларимиз ҳамиша равон ва нурафшон бўлсин!







29

# УРГУТ ТУМАН ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ жамоаси

Ўзбекистон халқини Мустақиллигимизнинг 29 йиллик тўйи билан муборакбод этади. Барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилайди!













O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug`bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Mahmud TOIR
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Toshtemir XUDOYQULOV

**Qabulxona** — (71)233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — (71)233-12-56
**Reklama va e`lonlar uchun** — (71)233-47-80, (71)233-38-55
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 951. 1869 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 22:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Bardambek SA`DULLAYEV**
Sahifalovchi-dasturchi:
**Bekzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5